

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ АЛЬБЕРТ АХМЕДОВИЧ

***AGARICUS BISPORUS* (LANGE) IMBACH ЕТИШТИРИШНИНГ
АГРОБИОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик
06.01.09 - Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулмуродов Рисқибой Абдиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Буриев Хасан Чутбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Исомиддинов Илхом Тўлаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «2» апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (533966 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «19» мартда тарқатилди.
(2018 йил «1» мартдаги 6-рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н.,
доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича *Agaricus* туркумига мансуб кўзқорин турлари ва бошқа истеъмол қилинадиган замбуруғлар ўстирилишини таҳлил қилинганда, охириги 40 йил давомида уларнинг ҳажми 10 баробар ўсиб, миқдори 10 млн тоннадан ошган¹. Бошқа маълумотларда² эса жаҳонда истеъмол ва тиббиёт мақсадларида етиштириладиган жами кўзқоринлар миқдори 30 миллион тоннадан ортиқ эканлиги кўрсатилиб, унинг 25 миллион тоннаси (80%) Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Дунё бўйича кўзқоринларни етиштириш ҳажми мунтазам ортиб бораётган бир пайтда, уларни республика шароитига мос етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Дунёда ҳозирги кунда 20 дан ортиқ истеъмол қилинадиган замбуруғлар (*Agaricus bisporus*, *Pleurotus ostreatus*, *Lentinula edodes*, *Volvariella volvacea*, *Flammulina velutipes* ва бошқалар) сунъий усулда кўпайтирилмоқда. Сунъий етиштириладиган бу замбуруғлар орасида шампиньон - *Agaricus bisporus* асосий ўрин эгаллаб, жаҳонда 5 млн тоннага яқин етиштирилади. Бу кўзқорин мева танаси таркибини оқсил, витамин ва минерал моддаларга бой бўлиши ва кўпгина алмашинмайдиган аминокислоталарнинг мавжудлиги, уларни озиқ-овқат сифатида қийматини ҳамда уларга бўлган талабни янада оширади.

Республикада сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган³. Ҳимояланган жой ноанъанавий сабзавотлари ассортиментини кенгайтиришда шампиньон кўзқорини етакчи ўрин эгаллайди. Шампиньон етиштиришда унинг ҳосили ва сифатига касаллик ва зараркунандалар салбий таъсир кўрсатмоқда. Шампиньонни ҳимоя қилиш учун илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқишда зарарли организмларни ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли республикада истеъмол қилинадиган замбуруғларнинг, хусусан *Agaricus* туркуми турларининг тарқалишини, биологиясини ўрганиш ҳамда ҳимояланган жой ноанъанавий сабзавотчилиги учун истиқболли замбуруғ штампларини ажратиш, маҳаллий шароитга мос етиштириш технологиясини яратиш, зараркунанда ва

¹ FAOSTAT, 2017; www.fao.org

² China Mushroom Association, 2009

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони

касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини амалга ошириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2505-сон қарори ҳамда 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Agaricus* туркуми вакилларининг систематикаси, биологияси, экологиясини ва ноанъанавий сабзавот тури бўлган шампиньон кўзикоринини махсус ёпиқ иншоотларда кўпайтириш ҳамда унинг зарарли организмларини ўрганиш бўйича Украина ботаника институти олимлари: И.Дудка, С.Вассер, Н.Бисько, А.Бухало, Москва давлат университети тадқиқотчилари Л.Гарибова, А.Сафрай, Н.Нугаева, К.Алексеева, Умум Россия сабзавотчилик илмий тадқиқот институти олимлари Р.Нурметов, Н.Девочкина, Хитойнинг Гонконг университети олими S.Chang, Нью Йорк давлат университети олими P.G.Miles, Буюк Британиянинг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш хизмати ташкилотидан J.T.Fletcher, R.H.Gaze ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда ўтказилган илмий ишларда ҳам айрим ҳудудларда аниқланган *Agaricus* туркуми турлари тўғрисида маълумот берилган (Н.И.Гапоненко, Ф.Г.Ахмедова, С.П.Вассер, А.А.Петрова, М.М.Халикова, М.М.Иминова). Бу ишларда макробиотларни ўрганиш давомида мазкур туркум вакилларининг аниқланган турларига тавсиф бериб ўтилган. *Agaricus* туркуми вакилларининг тарқалишини ўрганиш, уларнинг истеъмол қилинадиган турларини кўпайтириш ҳамда зарарли организмларига қарши кураш чоралари бўйича республикамиз миқёсида етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган 2.7 «Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг атроф-муҳитга хавфсиз экологик соф услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда *Agaricus* туркумига мансуб замбуруғларнинг тур таркиби, тарқалиши, биологияси, ҳимояланган жой сабзавотчилигида шампиньонни етиштириш технологиясининг асосий элементларини такомиллаштириш, уларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикада тарқалган *Agaricus* туркумининг турлар таркиби ўрганиш ва улар орасидан истеъмолбоп турларнинг соф культураларини ажратиш;

табиатдан йиғилган *Agaricus bisporus* мева таналаридан юқори самарали штаммлар олиш ҳамда уларни оналик, уруғлик мицелийларини олиш ва кўпайтириш учун субстратлар танлаш;

шампиньон штаммларини маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган компостда кўпайтириш, компост тайёрлашни тезкор усулини ишлаб чиқиш ва энг мақбул қоплағич тупроқ таркибини белгилаш;

шампиньон уруғлик мицелийсини тайёрлаш, мева таналарини етиштиришда касаллик кўзгатувчи ва бегона микроорганизмлари ҳамда унинг зараркунандалари тур таркибини аниқлаш;

шампиньон кўзиқоринини зарарли организмларига қарши замонавий препаратларни синовдан ўтказиш, қўллаш муддатини белгилаш ҳамда препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Agaricus* туркуми турлари, *Agaricus bisporus*, озика муҳитлар, компост, инсектицидларнинг Димилин, 25% нам.к., Номолт, 15% сус.к., фунгицидларнинг Браво, 500 г/л, с.к. ва Споргон, 500 г/кг, н.к. сингари турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида шампиньонни уруғлик мицелийси ва мева таналарини етиштириш учун озика муҳити, компост ва қоплағич тупроқ тайёрлаш усули, уни етиштиришда зарар келтирадиган касаллик ва зараркунандалар турлари, учраши, зарарлаш даражаси, уларга қарши қўлланиладиган усуллар ва унинг ҳосилдорлиги хизмат қилади.

Тадқиқотнинг услублари. *A. bisporus* нинг соф культурасини ажратиб олишда ҳамда соф культураларини кўпайтириш ва сақлаш учун озика муҳитлари тайёрлашда И.А. Дудка, С.П. Вассер, селекция учун штаммларни дастлабки танлашда Л.В.Гарибова, Н.Л.Девочкина усуллари, микромицетларни ажратиб олиш ва аниқлашда М.А.Литвинов, В.И. Билай, Н.М. Пидопличко, Н.Д.Нугаева и др. усуллари ёрдамида амалга оширилди. Кўзиқорин чивинларининг имаголари ва личинкаларининг шампиньон етиштириш камерасидаги ҳисоби Г.А. Бегляров и др., Э.Ф. Козарчевская, Е.А.Дунаев ларнинг усуллари асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Agaricus* туркумининг Тошкент вилоятида 8 та, олдин қайд этилмаган 2 та тури, Қашқадарё вилоятида эса 7 та тури аниқланган;

табиатда тарқалган *A. bisporus* дан ҳимояланган махсус иншоотларда етиштириш учун шампиньоннинг И-24 штамми олинган ва уни ўстириш учун энг яхши озика муҳитлари танланган;

буғдой сомони ва товуқ гўнғидан иборат субстратдан стандарт усулдан 7-8 кун олдин тайёр бўладиган ва ҳосили 10-12% га юқори бўлган қисқа муддатли усули тавсия этилган ва маҳаллий шароит учун компост сиртига сепиладиган ТБТ+ЧҚГ+Қ+Б нинг 5,5:2:2:0,5 нисбатдаги самарали қоплағич тупроқ ва унга кўшиладиган озика кўшимчалари таркиби аниқланган;

химояланган жойда етиштирилаётган шампиньон уруғлик мицелийсини ифлосланишига сабаб бўладиган микроорганизмлар турлари аниқланиб, уларни микробиологик назорат қилиш усули ишлаб чиқилган;

шампиньон етиштириш даврида унинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қиладиган касаллик ва зараркунандаларнинг тур таркиби аниқланган;

шампиньонни мева таналарини етиштиришда зарар келтирадиган касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

шампиньоннинг оналик мицелийсини кўпайтириш учун энг яхши озиқа муҳити сусло агар, оралик ва уруғлик мицелийсини етиштириш учун эса энг маъқули субстрат сули дони эканлиги ҳамда уруғлик мицелий кўпайтиришни микробиологик назорат қилиш самарадорлиги аниқланган;

шампиньон етиштириш учун энг самарали субстрат таркиби, компост тайёрлаш усули ҳамда энг самарали қоплағич тупроқ, унга кўшиладиган озиқа кўшимчалари ва уларнинг миқдорлари аниқланган;

A. bisporus ни етиштириш давомида учрайдиган зарарли организмлари тур таркиби ҳамда уларга қарши янги, замонавий фунгицид ҳамда инсектицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган. Тажриба натижалари асосида Браво, 500 г/л, с.к., Споргон, 500 г/кг, н.к. фунгицидлари, Димилин, 25% нам.к., Номолт, 15% сус.к. инсектицидлари қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда республикамиз ва хорижда ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлил қилинганлиги, ўтказилган тажрибаларда республикамиз ва хориж мамлакатларида шампиньон етиштириш технологияси бўйича синалган, кенг тарқалган, апробациядан ўтган услубларнинг қўлланилиши, олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, натижаларни асосланганлиги, тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, тажрибалар ҳар йили университет олимлари томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларида муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Agaricus* туркуми турлари, улар орасидан самарали штамм ажратилганлиги, шампиньон етиштириш учун қисқа муддатли компост тайёрлаш усули, қоплағич тупроқ ва унга кўшиладиган кўшимча озиқалар таркиби, компост тайёрлаш шампиньон уруғлик мицелийсини тайёрлаш ва мева таналарини етиштириш даврида учрайдиган касаллик ва зараркунандалар турлари, зарарлаш даражасига асосланган ҳолда уларга қарши кураш чоралари сифатида қўлланилган фунгицид ва инсектицидларнинг биологик самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти махсус иншоотларда ноанъанавий сабзавот тури бўлган - шампиньон етиштиришда қисқа муддатли компост тайёрлашни, қоплағич тупроқ ва унга кўшиладиган озиқа кўшимчалари

ҳамда шампиньон кўзқоринининг касаллик ва зараркунандаларига қарши фунгицид ва инсектицидлар қўллаш самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Agaricus bisporus* Imbach етиштиришнинг агробиологик асослари ва уни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

шампиньон ноанаънавий сабзавот турини етиштиришда, қиксқа муддатли компост тайёрлаш усули, компост сиртига солиш учун ТБТ+ЧҚГ+Қ+Б нинг 5,5:2:2:0,5 нисбатдаги таркиблари ҳамда қоплагич тупроққа қўшиладиган озуқа кўшимчалари Тошкент вилоятидаги «Бўка олтин куз» дехқон хўжалиги ва «Иттифоқ-Абдумаликов Абдураззоқ» фермер хўжаликлариди ҳамда Андижон вилоятидаги «Ойдин йўл дурдонаси» ва «Мадрагимов савдо» масъулияти чекланган жамиятининг 1600 м² дан ортиқ ҳимояланган ёпиқ махсус иншоотларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 январдаги 02/22-52-сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик назорат вариантыга нисбатан 19,5-25,0 фоизга юқори бўлган ва шампиньон мева таналарини етиштиришда иқтисодий самарадорлик 1 м² да 8,5; 30,9; 34,5 минг сўмни ташкил этган;

Андижон вилояти хўжаликлариди шампиньоннинг етиштириш камерасида аниқланган зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чоралари сифатида Димилин, 25% нам.к., Номолт, 15% сус.к. инсектицидлари ҳамда Браво, 500 г/л, с.к. ва Споргон, 500 г/кг, н.к. фунгицидлари жорий этилган («Ўзагрокимёҳимоя» акционерлик жамиятининг 2018 йил 23 февралдаги 02-13/346-сон маълумотномаси). Натижада етиштириш камераларидаги шампиньон мева таналари ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан ҳар м² дан 2,2; 3,5 ва 4,2 кг ҳосилни сақлаб қолишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тажрибалар натижалари 4 та, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва университет олимлари томонидан апробациядан ўтказилган ҳамда ижобий баҳоланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 6 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар

тараққитининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалиёт натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишлари натижалари ўрганилиб, *Agaricus* туркуми турларининг тарқалиши, систематикаси ва ўрганилганлик ҳолати, шампиньон уруғлик мицелийсини етиштириш, *A. bisporus* етиштиришнинг технологик жараёнлари, етиштириш тизими ва усуллари ҳамда унинг зарарли организмлари ўрганилди ва уларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, материал ва усуллар бўйича маълумотлар берилган. Лаборатория, кичик вегетацион ва ишлаб чиқариш тажрибалари ТошДАУ нинг “Фунги” марказида, “Бўка олтин куз”, «Иттифок-Абдумаликов Абдураззоқ» хўжаликларида ўтказилди.

A. bisporus нинг соф культурасини ажратиб олишда ҳамда соф культураларини кўпайтириш ва сақлаш учун озика муҳитлари тайёрлашда И.А. Дудка, С.П. Вассер (1987) усуллари, селекция учун штаммларни дастлабки танлашда Л.В. Гарибова (1964б), Н.Л. Девочкина (2004) усуллари, микромицетларни ажратиб олиш ва аниқлашда М.А.Литвинов (1969), В.И. Билай (1977), Н.М. Пидопличко (1977), Н.Д.Нугаева и др. (1994) усуллари ёрдамида амалга оширилди. Кўзиқорин чивинларининг имаголари ва личинкаларининг шампиньон етиштириш камерасидаги ҳисоби Г.А. Бегляров, Н.А. Попов (1989), Э.Ф. Козарчевская (1977), Е.А. Дунаев (1997) ларнинг усуллари асосида олиб борилди. Зараркунанда ҳашаротларнинг тур таркиби “Аниқлагич”лар (Определитель вредных и полезных насекомых и клещей овощных культур и картофеля в СССР, 1982; Определитель семейств двукрылых насекомых (Insecta: Diptera) фауны России и сопредельных стран, 2003) ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотларга статистик ишлов бериш дисперсион таҳлил қилиш усули бўйича аниқланди (Доспехов, 1985).


Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида *Agaricus* туркуми турларининг тарқалиши**» деб номланган 3-бобида Ўзбекистон Республикасининг тадқиқот ўтказилган вилоятларидан ажратилган *Agaricus* туркуми турлари эколого-биологик гуруҳларининг тарқалиши таҳлил қилинди. Ўзбекистонда *Agaricus* туркуми вакилларининг тарқалишини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий ишларнинг асосий мақсади улар орасидан истеъмол қилинадиган турларининг соф культураларини ажратиб олиб, улардан маҳаллий шароитга мос, самарали штаммларни танлаб олиш ва улар устида кейинги тадқиқот ишларини амалга оширишдан иборат эди.

Тадқиқотлар натижасида Тошкент вилоятида 8 та тур, шундан аввал қайд этилмаган 2 та тур ҳамда Қашқадарё вилоятида *Agaricus* туркумини ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар илгари ўтказилмаган ва бу вилоятда биринчи марта 7 та тур аниқланди (1-жадвал).

Диссертациянинг «*Agaricus bisporus* нинг маҳаллий шароитга мос штаммларини олиш ва уларнинг биологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида табиатдан йиғилган соф культуралардан танлаш йўли ҳамда кўп спорали селекция усули билан ишлаб чиқариш шароитида самарали бўлган маҳаллий шароитга мос штаммлар олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Расм

Ўзбекистон қайд этилган *Agaricus* L. туркумининг турлари сони



1-жадвал

Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида аниқланган *Agaricus* L. туркумининг турлари

№	Тошкент вилояти	№	Қашқадарё вилояти
1	<i>Agaricus campestris</i> L.: Fr	1	<i>Agaricus campestris</i> L.: Fr
2	<i>A.bernardii</i> Quel. apud Cke	2	<i>A.bernardii</i> Quel.apud Cke et Quel.
3	<i>A.bisporus</i> (J.Lge) Imbach	3	<i>A.bisporus</i> (J.Lge) Imbach
4	<i>A.bitorquis</i> (Quel.) Sacc.	4	<i>A.bitorquis</i> (Quel.) Sacc.
5	<i>A.gennadii</i> var. <i>microsporus</i> (Bohus) Wass.	5	<i>A.aestivalis</i> var <i>flavotacta</i> (Moell.) Pil.
6	<i>A.arvensis</i> Schaeff.	6	<i>A.augustus</i> Fr.
7	<i>A.macrocarpus</i> (F.H. Møller) F.H. Møller	7	<i>A.tabularis</i> Pk
8	<i>A.xanthodermus</i> Genevier		

Шампиньон штаммлари селекциясининг илк танлови учун бошланғич материал сифатида Тошкент давлат аграр университетининг Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасида сақланаётган ҳамда табиатдан йиғилган ёввойи *A. bisporus* нинг 72 та соф культуралари ажратиб олинди ва таҳлил қилинди. Етиштириш учун истиқболли ҳисобланган штаммлар устида селекцион танловлар олиб боришда муҳим бўлган бир қатор комплекс технологик кўрсаткичлари: озиқа муҳитларида ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган

субстратларда мицелий ўсиши тезлиги, ҳосилдорлиги, ҳосилни йиғиш муддатлари, мева таналарнинг кўриниши ва харидоргирлиги, зараркунандалар ва касалликларга чидамлилиги ҳисобга олинди.

Лаборатория тажрибалари Тошкент давлат аграр университетининг Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасида ҳамда университет қошидаги “Фунги” марказида олиб борилди.

Шампиньон спораларини ўстириш учун энг яхши озиқа сусло-агар эканлиги аниқланди. Спораларнинг сусло-агарда ўсиши тезлиги ҳамда зичлигига қараб, ажратилган шампиньон соф культураларининг 14 та штамми кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Кичик вегетацион ва ишлаб чиқариш тажрибалари Тошкент вилояти, Бўка тумани «Бўка олтин куз» деҳқон хўжалигида олиб борилди. Тадқиқотларда 2010-2011 йилларда 14 та ва 2011-2012 йилларда 4 та штаммдан фойдаланилди.

Тажриба учун олинган штаммларнинг ҳосили назоратга қараганда паст бўлди, лекин улар орасидан 24-штамм нисбатан юқори ҳароратда барқарор ҳолда мева тана ҳосил қилиши ва етилиши узоқ муддатли бўлиши, яъни мева тана қалпоқчаси очилиб кетмаслиги, қисқа муддат (2-3 ҳафта) ичида асосий ҳосилини етилиши жиҳатидан назоратдан устун бўлди.

Уч йиллик ишлаб чиқариш тажрибалари натижасида бир тўлиқ циклда (ҳосил 4-5 ҳафта давомида йиғилганда) бир кв. метрда 9,9-11,5 кг ҳосил берди.

И-24 штаммининг мева таналари А-15 назорат штаммига нисбатан нисбатан 1-2 сутка олдин ҳосил бўлди, И-24 штамми ҳаво ҳарорати ва намлиги ўзгаришига чидамли эканлиги аниқланди.

И-24 штамми катта зарар келтирадиган кўзқорин чивинига бирмунча чидамли бўлиб, унинг зарарланмаган мева таналари 74% ни, назоратда (А-15) эса 66% ни ташкил этди.

И-24 штаммининг касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги текширилганда у юмшоқ (оқ) чириш (кўзғатувчиси *Mycogone perniciosa*) касаллигига нисбатан чидамли эканлиги аниқланди. Табиий фонда И-24 штамми зарарланиши 25-36% гача, ишлаб чиқаришда етиштириладиган штаммда (А-15) эса 45-67% ни ташкил этди. Шу сабабли И-24 штаммини ишлаб чиқаришда экиш учун тавсия қилиш мумкин.

Диссертациянинг **«Ҳимояланган жойларда етиштириладиган шампиньон ноанъанавий сабзавотининг уруғлик мицелийсини етиштириш ва унинг микробиологик назорати»** деб номланган бешинчи бобида шампиньон оналик, оралик ва уруғлик мицелийларини кўпайтириш учун озиқа муҳити танлаш, мицелий етиштириш жараёнида унинг ифлосланишига сабаб бўлувчи микроорганизмлар ҳамда уларга қарши кураш чоралари бўйича тажриба натижалари келтирилган.

Уруғлик мицелий етиштиришнинг биринчи босқичида оналик культураларининг мицелийлари пробирка ёки Петри идишаларида агарли озиқа муҳитларида кўпайтириб олинади. Тадқиқотлар натижасида шампиньоннинг оналик мицелийсини кўпайтириш учун энг самарали озиқа муҳити сусло-агар озиқа муҳити эканлиги маълум бўлди.

Агарли озика муҳитларида етиштирилган оналик мицелийдан компостга экиладиган уруғлик мицелий олиш учун ишлатиладиган оралик мицелийни ўстиришда фойдаланилди.

Шампиньоннинг оралик ва уруғлик мицелийсини ўстириш учун субстрат сифатида бошоқли ғалла донлари ишлатилди. Оралик ва уруғлик мицелийсини етиштириш учун олинган ғалла донлари орасида энг яхши натижа сули дони ишлатилган вариантда олинди. Бунда мицелий идишдаги донни 18 кунда тўлик (100%) қоплади, шу муддатда арпани 93,1% ва буғдойни 85,4% га қоплади. Шу сабабли шампиньоннинг оралик ва уруғлик мицелийсини етиштиришда субстрат сифатида сули дони танлаб олинди.

Шампиньоннинг уруғлик мицелийси микроорганизмлар билан ифлосланиши уларни яроқсиз ҳолга келтиради. Шу сабабли, 2008-2010 йилларда ғалла донларида ўстирилган шампиньон уруғлик мицелий намуналарини микробиологик таҳлил қилиш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Шампиньон уруғлик мицелийси кўпайтириладиган субстратлар намуналаридан *Bacillus*, *Cladosporium*, *Fusarium*, *Gliocladium*, *Aspergillus*, *Trichoderma*, *Penicillium*, *Mucor*, *Rhizopus*, *Stachybotris* туркумларига мансуб 15 та микроорганизм тури ажратиб олинди. Уруғлик мицелийсидан *Aspergillus flavus*, *A. niger*, *Bacillus* sp., *Cladosporium herbarum*, *Mucor racemosus* ва *Trichoderma viride* турлари кўпроқ ажратилди.

Aspergillus flavus, *A.niger*, *Trichoderma viride*, *Bacillus* sp. турлари шампиньон штампларининг мицелийси ўсишини чегаралаши кузатилди.

Шампиньон уруғлик мицелийси зарарланишининг сабабларидан бири, мицелий етиштириладиган хона ҳавосида микроорганизмлар споралари мавжудлигидир. Шу сабабли мицелий етиштиришда фойдаланиладиган бокс, инкубацион хона ва йўлаклар ҳавосида микроорганизмлар учраши аниқланди. Тажриба натижасида ҳаводаги микроорганизмлар спораларининг миқдори йўлакларда энг кўп кузатилди. Инкубацион хоналарда улар нисбатан камроқ, бокс (инокуляция) хонасида жуда кам миқдорда учраши қайд этилди. Ўсиб чиққан микроорганизмларнинг кўпчилиги *Bacillus* sp., *T. viride*, *A. flavus* ва *A. niger* турлари эканлиги маълум бўлди. Ҳаводаги микроорганизмлар сонини камайтириш учун йўлак ва инкубацион хоналар водород пероксид, формалин ва хлорли оҳакнинг турли концентрациялари билан дезинфекция қилинди.

Энг яхши натижа 6% ли водород пероксид ва 4% ли формалин ишлатилган вариантларда кузатилган. Уруғлик мицелий зарарланиши бу вариантларда 6,6 ва 6,9% бўлди. Натижада назоратга нисбатан 31,2 ва 28,6% уруғлик мицелийси ифлосланмасдан сақлаб қолинди.

Диссертациянинг «**Шампиньон ноанъанавий сабзавоти етиштириш учун компост тайёрлаш, қоплагич тупроқ танлаш, унинг асосий касалликлари, кенг тарқалган зараркунандалари ҳамда уларга қарши кураш чоралари**» деб номланган олтинчи бобида шампиньон етиштириш учун компост тайёрлаш, шампиньоннинг асосий касаллик ва зараркунандалари тур таркиби, уларга қарши кураш чоралари ҳамда қўлланилган усул ва воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича бажарилган ишларнинг натижалари келтирилган.

Турли таркибли хом ашёлардан компост, дастлаб Л. Девочкина (2004) келтирган стандарт (анъанавий) усул ёрдамида тайёрланди. Субстрат самарадорлигини ўрганиш мақсадида турли таркибли субстратлардан тайёрланган компостлар ҳосилдорлиги аниқланди. Тажриба натижалари асосида умумий ҳосилдорлик бўйича барча вариантлардан буғдой сомони + бройлер товуқ гўнги таркибли субстрат устун бўлди. Шунинг кейинги тажрибалар шу субстрат таркиби асосида давом эттилди.

Шампиньон етиштириш учун компост тайёрлашнинг стандарт (анъанавий) усули бир қатор камчиликларга эга:

- компост тайёрлаш жараёни давомийлигини узунлиги;
- компост таркибидаги қуруқ модда миқдори кўп йўқотилиши;
- ғарам узоқ муддатли қизиши ва иссиқлик атрофга чиқиши;
- кўп учувчи зарарли моддаларни атмосферага кўп ажралиб чиқиб, атроф-муҳит ифлосланиши.

Шуни инобатга олиб, стандарт, яъни анъанавий компост тайёрлаш технологиясини такомиллаштирган ҳолда, субстрат тайёрлаш давомийлигини қисқартириш орқали компост тайёрлашнинг қисқа муддатли усули ишлаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

Қисқа муддатли компост тайёрлаш усули

Компост-лаш кунлари	Жараён ва тадбирлар	1 тонна қуруқ буғдой сомони ҳисобида қўшилаётган қўшимчалар
1-4	Сомонни тайёрлаш, намлаш, ғарам ҳосил қилиш, полиэтилен плёнка билан ёпиш	4000-4500 л сув
5	Товуқ гўнгини аралаштириш, сомонни юмшатиш	1000 кг бройлер товуқ гўнги
6-7	Сомонни юмшатиш, асосни аралаштириш ҳамда зичланмаган ғарам ҳосил қилиш, плёнка қоплаш	Зарурат бўлса сув қуйилади
8	Бурт ҳосил қилиш	
12	Биринчи аралаштириш	
14	Иккинчи аралаштириш ҳамда гипс ёки бўр қўшиш	40 кг гипс + 40 кг бўр
16	Учинчи аралаштириш	
17	Тўртинчи аралаштириш Субстрат термик ишлов бериш (пастеризация) учун тайёр	

Тажрибада қисқа муддатли усулда тайёрланган субстратдан *A. bisporus* нинг И-24 штамидан биринчи ҳафтада 1 м² дан 3,8 кг, назорат, яъни стандарт вариантыда 2,7 кг ҳосил олинди. Умумий ҳосилдорлик қисқа муддатли

компостлаш усули вариантыда 10,5 кг/м² ва назорат (анъанавий) вариантыда 9,0 кг/м² бўлди. Назоратга нисбатан қўшимча 1,5 кг/м² ҳосил олинди.

Шампиньон етиштиришда компост юзасига сепиладиган қоплағич тупроқнинг аҳамияти жуда катта. Чунки у ҳаво алмашилиш, сувни қабул қилиш ва ушлаб қолиш хусусиятига эга бўлган субстрат структурасини шакллантиради. Қолаверса, бу ерда шампиньоннинг мева танаси юзага келади ва шаклланади. Ривожланаётган мева тана учун у намлик манбаи, субстратдаги ҳаво алмашилишини таъминловчи, ҳаводаги касаллик кўзғатувчи микроорганизмлардан ҳимоя қилувчи, компост сиртида микроиклимни шакллантирувчи восита ҳисобланади (Сафрай, 2010). Қоплағич тупроқ солишдан асосий мақсад – компост юзасидаги мицелийдан мева тугунчалари ҳосил бўлишини фаоллаштиришдир.

Шампиньон мева танасини етиштиришда торф асосидаги қоплағич тупроқ энг яхши деб ҳисобланади. Ўзбекистон республикасида торф захиралари мавжуд эмас. Шуни инобатга олиб, тадқиқотларни торф ўрнини босувчи қоплағич тупроқ таркибини аниқлаш мақсадида турли таркибли субстратлар синаб кўрилди.

Турли таркибли қоплағич тупроқлар қўлланилган вариантлардан шуни аниқлаш мумкинки, полиэтилен қопларда экилган усулда энг юқори ҳосилдорлик типик бўз тупроқ + чириган қорамол гўнги + ёғоч қипиғи + бўр (ТБТ+ЧҚГ+Қ+Б) нинг 5,5:2:2:0,5 нисбатдаги вариантыда кузатилиб, ҳосилдорлик, 1,85 кг/қопни ташкил этди. Бу вариантда 0,43 (30,3%) кг/қоп кўпроқ шампиньон ҳосили олинди. Стеллаж усулида экилганда ҳам бу таркибли қоплағич тупроқ ишлатилганда назоратга нисбатан 25% устун бўлиб, ҳосилдорлик 10,5 кг/м² ташкил этди. Назорат вариантыда бу кўрсаткич 8,4 кг/м² га тенг бўлди.

Етиштириш технологияси ҳамда субстрат самарадорлигини ошириш мақсадида шампиньон ҳосилдорлигига турли озика қўшимчаларининг ҳосилга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларни давом эттирдик. Бунда қўшимча сифатида шампиньон уруғлик мицелийси ва мицелий билан тўлиқ қопланган компостдан фойдаланилди. Озика қўшимча сифатида олинган буғдой донида ўстирилган уруғлик мицелий 300 г/м² миқдорда қўлланилган вариантда энг юқори ҳосилдорлик қайд этилиб, 12,16 кг/м² ни ташкил этган ва назоратга нисбатан 28,5% (2,7 кг/м²) кўп ҳосил олинган.

Қўшимча озика сифатида мицелий билан тўлиқ қопланган компост + буғдой кепагининг 500+100 г, 1000+200 г ва 1500+300 г вариантларида ҳосилдорлик 10,12 кг/м², 11,44 кг/м² ва 11,77 кг/м² ни ташкил этиб, назорат вариантыга (9,46 кг/м²) нисбатан 6,99%, 20,9% ва 24,4% кўп шампиньон мева танаси ҳосили олинди.

Шампиньон ҳосили камайишида унинг озикасига шерик бегона микроорганизмлари ва касалликларининг таъсири жуда катта. Улар, турига қараб, шампиньон ўсиши ва ривожланишини фаоллаштириши ёки сусайтириши мумкин. Ушбу микроорганизмларнинг кўпчилиги ажратадиган биологик фаол моддалар ва метаболитлар шампиньон мицелийси учун захарлидир.

Шу сабабли субстратнинг айрим қисмларидан *A. bisporus* ни сиқиб чиқаради ва ҳосил камайишига сабаб бўлади. *A. bisporus* компостда ривожланишининг бошланғич даврида патоген ва рақобатчи микроорганизмлар таъсири деярли сезилмади, лекин кейинги ривожланиш босқичида улар шампиньон ривожланишини секинлаштириб, турли касаллик белгилари юзага келишига сабабчи бўлди.

Шампиньоннинг патоген микробиотаси таҳлил қилинганда, улардан кенг тарқалганлари ва ҳосилни сезиларли камайтирадиганлари замбуруғлар ва бактериялар эканлиги аниқланди (3-жадвал).

Лаборатория шароитида хлорамин препаратининг турли концентрацияларини (0,01%, 0,0125%, 0,02%, 0,025%, 0,03%, 0,05% эритмалари) кенг тарқалган, шампиньон озиқасига шерик ва патоген микроорганизмларга қарши синовдан ўтказдик.

Хлораминнинг 0,02% дан кам концентрацияси шампиньоннинг кенг тарқалган озиқа рақобатчилари ва патогенлари ўсиши ҳамда ривожланишини назоратга нисбатан секинлаштирди. 0,02% ли тажриба вариантыда *A. flavus*, *A. niger* ва *T. viride* турларидан бошқа микроорганизмлар ўсмади. 0,025% ли тажриба вариантыда барча синалган микроорганизмлар ўсмади.

3-жадвал

A. bisporus етиштирилаётган компостдан ажратилган микроорганизмлар ва уларнинг гуруҳлари

№	Патогенлар	№	Озиқа моддага шерик микроорганизмлар
1	<i>Mycogone peniciosa</i> Magnus	1	<i>Aspergillus fumigatus</i> Fresen.
2	<i>Pseudomonas tolaasii</i> Paine	2	<i>A. flavus</i> Lk
3	<i>Pseudomonas</i> sp.	3	<i>A. niger</i> Thiagh.
4	<i>Verticillium fungicola</i> var. <i>fungicola</i> (Prenss) Hassebr.	4	<i>A. ustus</i> Bainier
5	<i>Trichoderma viride</i> Pers.	5	<i>A. versicolor</i> Tirob.
6	<i>Cladobotryum dendroides</i> (Bul.:Fr) W.Gams et Hooz.	6	<i>Chaetomium globosum</i> Kunze
		7	<i>C. olivaceum</i> Cooke et Ellis
		8	<i>Cladosporium herbarium</i> (Pers.) Lk
	Сапрофитлар	9	<i>Coprinus</i> sp.
1	<i>Alternaria alternata</i> (Fr.) Keissl.	10	<i>Fusarium oxysporum</i> Snyd. et Hans.
2	<i>A. grisea</i> Szilvinyi	11	<i>Fusarium solani</i> (Mart) App. Et Wr
3	<i>Gliocladium roseum</i> (Lk) Bainier	12	<i>Mucor racemosus</i> Fresen.
4	<i>Paecilomyces varioti</i> Bainier	13	<i>Penicillium notatum</i> Westling
5	<i>Rhizopus nigricans</i> Ehrenb.	14	<i>P. canescens</i> Sopp
6	<i>Stachybotris alternans</i> Bonord.	15	<i>P. chrysogenum</i> Thom
7	<i>Trichothecium roseum</i> Lk	16	<i>P. lividum</i> Westling
8	<i>Torula herbarum</i> Lk ex Fr.	17	<i>P. waksmani</i> W. Zalesky
9	<i>Verticillium lateritium</i> Berk.	18	<i>Sporotrichum</i> sp.

Тажрибаларнинг кейинги босқичида хлораминнинг юқоридаги концентрацияларда *A. bisporus* мицелийси ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилди. Хлорамин концентрацияси 0,0125%, 0,02%, 0,025% бўлган озика муҳитларида *A. bisporus* нинг назоратга нисбатан ўсиши ва ривожланишининг бошланғич давридаги биров фарқи 10 суткадан сўнг деярли сезилмади.

Хлорамин 0,03% ли эритмаси қўшилган озика муҳитларида шампиньон мицелийси ривожланиши секинлашган бўлса, 0,05% концентрацияли озика муҳитида унинг ўсиши қайд этилмади.

Лаборатория тажрибаларида самарали натижалар берган вариантлар «Бўка олтин куз» деҳқон хўжалигида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди. Тажрибада хлорамин 0,02%, 0,025% ва 0,03% ли концентрацияларда олинди. Ишлаб чиқариш шароитида шампиньонни озикасига шерик микроорганизмлари ва касалликларига қарши олиб борилган тажрибаларда яхши натижа берган хлораминнинг 0,02% ли концентрациясини ишлатиш учун тавсия қилиш мумкин.

A. bisporus нинг энг хавфли касалликларига қарши олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибаларида Браво 500 г/л сус.к. (таъсир этувчи моддаси хлороталонил), Фундазол 500 г/кг, нам.к. (т.э.м. беномил) ва Споргон 500 г/кг нам.к. (т.э.м. прохлораз) фунгицидлари шампиньоннинг комплекс касалликларига қарши синаб кўрилди. Тажрибада шампиньонни хавфли касалликлардан ҳимоя қилишда энг самарали фунгицид Споргон препаратининг 2 г/м² меъёри эканлиги маълум бўлди. Тажрибада синалган Фундазол (1,5 г/м²) ва Браво (3,0 г/м²), Споргон топилмаган ҳолларда, шампиньон етиштиришда қуруқ ва хўл чириш, микогон ҳамда тўрсимон моғор касалликларига қарши ишлатилиши мумкин.

Шампиньон етиштириш камерасидаги асосий зараркунандалар иккиқанотли (Diptera) ҳашаротлардан *Sciaridae*, *Phoridae* ва *Cecidomyiidae* оиласи вакиллари эканлиги аниқланди.

Шампиньон етиштириш камерасидаги кўзиқорин чивини имаголари сони елимли ва чироқли тутқичлар ёрдамида, личинкалари сони эса субстрат намуналарини таҳлил қилиш орқали аниқланди.

Етиштириш камераларида иккиқанотлилар туркуми, *Sciaridae*, *Phoridae*, *Cecidomyiidae* оилаларига мансуб 4 та ҳашарот (*Lycoriella solani* Winn., *Mycophila speyeri* Barnes, *Heteropeza pygmaea* Winn., *Megaselia* spp.) ҳамда каналар (*Acari*) кенжа туркумининг 2 та тури (*Tyrophagus dimidiatus* Herm., *Pugmephorus* spp.) аниқланди. Популяцияси миқдори жиҳатидан энг кўп қайд этилган сциарид кўзиқорин чивинининг – *L. solani* Winn ривожланиш фазалари давомийлиги ва морфометрик кўрсаткичлари аниқланди.

Кўзиқорин чивинларини шампиньонни барча ривожланиш даврларида зарарлаши мумкин. Энг хавфли ва катта зарар ҳосил бўлаётган мева нишонаси, тугунчалари ва танасининг шаклланаётган оёқчаларига етказилиб, бунда мева нишоналари ҳосил бўлмайди, тугунчалари эса тешилиб, ўйилиб қолади.

Шампиньонни кўзиқорин чивини личинкаларидан эрта муддатларда ҳимоя қилиш учун компост ёки қоплағич тупроққа инсектицид қўшилади.

Кўзиқорин чивинлари личинкаларига қарши кимёвий препаратлар самарадорлигини аниқлаш тажрибалари – табиий инфекцион фонда олиб борилди. Бунда Димилин, 25% нам.к. (т.э.м. дифлубензурон) ҳамда Номолт, 15% сус.к. (т.э.м. - тефлубензурон) – хитин синтези ингибиторлари, турли меъёрларда синалди. Эталон сифатида Циракс, 25% к.э. (т.э.м. циперметрин), назорат варианты учун эса сув олинди.

Димилин препарати 3 г/м² меъёрда энг юқори биологик самарадорлик (89,4%) кўрсатди. Инсектицид қўлланилган вариантлардаги энг паст кўрсаткич (61,1%) Циракс (эталон) препаратига қайд этилди. Нисбатан юқори (81,3%) биологик самарадорлик Димилин препаратининг 2 г/м² ва Номолтнинг 3 г/м² меъёрларида (84,3%) қайд этилди. Шампиньон ҳосилдорлиги назорат вариантыда 5,74 кг/м² бўлиб, энг юқори натижа қайд этилган Димилиннинг 3 г/м² меъёрида 9,05 кг/бўлиб, назоратга нисбатан фарқ 57,6% ни ташкил этди.

Шампиньон мева таналарини етиштиришда қўшимча озика сифатида ишлатилган: буғдой донида ўстирилган шампиньон уруғлик мицелийси (БДЎШУМ) ҳамда мицелий билан тўлиқ қопланган компост + буғдой кепакларининг (МБҚК+БК) турли вариантларини иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинганда, энг паст кўрсаткич – БДЎШУМ ни 100 г/м² ва МБҚК+БК ни 500 + 100 г/м² миқдорда қўлланилган вариантларида кузатилди. Энг юқори иқтисодий самарадорлик эса БДЎШУМ ни 200 г/м² ва 300 г/м² миқдорда ишлатилган вариантларида аниқланди.

Шампиньон етиштиришда унинг касаллик ва зараркунандаларига қарши қўлланилган препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги эса, Димилин, 25% нам.к.к.к. препарати 3 г/м² меъёрда ишлатилган вариантда харажат қилинган 1 сўмнинг қопланиши 9,7 мартани, бу кўрсаткич Браво, 500 г/л, с.к. препаратига 12,3 ва Споргон, 500 г/кг, н.к. препаратига эса 14 мартани ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент ва Қашқадарё вилоятидаги тадқиқотлар натижасида *Agaricus* туркумининг 11 та тури, жумладан Тошкент вилоятида аввал қайд этилмаган 2 та ва Қашқадарё вилоятида биринчи марта 7 та тур аниқланди. Тажриба учун олинган штаммлардан ҳосили барқарор, нисбатан юқори ҳароратда эрта мева тана ҳосил қилувчи 24 (И-24) рақамли штамми ажратиб олинди.

2. *A. bisporus* нинг уруғлик мицелийсини етиштириш учун бошланғич оналик культураларининг мицелийларини етиштиришда сунъий озика муҳитларидан энг самаралиси сусло-агар озика муҳити эканлиги аниқланди. Шампиньоннинг оралик ва уруғлик мицелийсини етиштириш учун синалган бошоқли ғалла донларидан энг маъқули сули дони эканлиги маълум бўлди.

3. *A. bisporus* нинг уруғлик мицелийси етиштирилган субстратдан микроорганизмларнинг 15 тури ажратиб олинди ва улар орасидан *A. flavus*, *A. niger*, *T. viride*, *Bacillus* sp. турлари шампиньон мицелийси ўсишини чегаралаши кузатилди. Уруғлик мицелийсини ифлосланишига хона ҳавосидаги микроорганизмлар эканлиги аниқланди. Бу хоналарни 6% ли водород пероксиди ва 4% ли формалин билан дезинфекция қилиш туфайли ҳаводаги микроорганизм

споралари сони кескин камайди ва микробиологик назорат қилиш ҳисобига 16,9-31,2% уруғлик мицелий сақлаб қолинди.

4. Турли таркибли хомашёлардан анъанавий (стандарт) усулда тайёрланган компостларда маҳаллий И-24 ва эталон А-15 штаммларининг энг юқори ҳосили буғдой сомони + товуқ гўнги (БС+ТГ) вариантида қайд этилди ва у И-24 штаммида 8,7 кг/м² га (100 кг компостга нисбатан 15,8 кг), А-15 штаммида эса 8,9 кг/м² га (16,1кг/100кг) тенг бўлди, бунда ҳосил назоратга нисбатан, мувофиқ равишда, 55,36% ва 53,45% га юқори бўлди.

5. Қисқа муддатли компост тайёрлаш стандарт усулга нисбатан 7 кун тежалиши билан бирга субстрат чиқими 12-18% га юқори бўлиб, бу усулда тайёрланган компостда *A. bisporus* И-24 штамми ҳосили 10,5 кг/м² ни, назорат вариантда эса 9,8 кг/м² ни ташкил этди. 100 кг субстратга нисбатан олинганда ҳосил тажриба вариантида 19,1 кг ва назоратда 16,36 кг ни ташкил этди.

6. *A. bisporus* ўстириладиган компост сиртига солиш учун турли таркибли қоплағич тупроқлар қўлланилганда, энг юқори ҳосил типик бўз тупроқ + чириган қорамол гўнги + ёғоч қипиғи + бўр нинг 5,5:2:2:0,5 нисбатдаги вариантида кузатилиб, назорат вариантига нисбатан 19,5%, ва 25,0% га юқори бўлди (9,8 ва 10,5 кг/м²). Қоплағич тупроққа кўшимча озикалар сифатида буғдой донида ўстирилган шампиньон уруғлик мицелийсидан 300 г/м² ва мицелий билан тўлик қопланган компост + буғдой кепегидан 1500+300 г/м² миқдорда кўшилган вариантлар энг самарали бўлиб, назоратга нисбатан 28,5% ва 24,4% га юқори ҳосил олинди.

7. Хлораминнинг 0,02% дан кам концентрацияси шампиньоннинг кенг тарқалган озикага шерик ва касаллик кўзғатувчи микроорганизмлари ўсиши ва ривожланишини назоратга нисбатан секинлаштирди. 0,025% ли тажриба вариантида эса барча синалган микроорганизмларнинг ўсиши тўхтади. 0,02% ли хлорамин ишлатилган вариантда ҳосил йўқотилиши жуда кам (1,2%) бўлиб, ишлаб чиқариш шароитида шампиньон учун рақобатчи микроорганизмлар ва касалликларига қарши ушбу меъёрни ишлатиш тавсия қилинди.

8. *A. bisporus* ни хавфли касалликлардан ҳимоя қилишда энг самарали фунгицид Споргон 500 г/кг, нам.к. препаратини 2,0 г/м² меъёри эканлиги маълум бўлди. Браво 500 г/л, с.к., 3,0 г/м² ва Фундазол 500 г/кг, н.к., 1,5 г/м² меъёрларининг фаоллиги нисбатан камроқ бўлди.

9. *A. bisporus* ни кўпайтиришда етиштириш камерасида субстратда учрайдиган асосий зараркунанда ҳашаротлар, икки қанотлилар (Diptera) туркуми 3 оиласининг (*Sciaridae*, *Phoridae*, *Cecidomyiidae*) 4 та тури ҳамда каналарнинг (*Acarina*) 2 та тури аниқланди. Шампиньон зараркунандаларига қарши профилактик-гигиеник тадбирларга қатъий риоя қилган ҳолда унинг зараркунандаси – кўзиқорин чивинига қарши қўлланилган инсектицидлардан энг самарали натижаларни Димилин, 25% н.к. нинг 2 ва 3 г/м² меъёрлари намоён қилди, бунда биологик самарадорлик, 81,3 ва 89,4% ни, Номолт, 15% сус.к. нинг 3 мл/м² меъёри қўлланилганда эса биологик самарадорлик 84,3% ни ташкил этди. Бу тадбирлар туфайли назоратга нисбатан, мос равишда, 43,2%, 57,6% ва 51,6% ҳосил сақлаб қолинди.

10. Шампиньон мева таналарини етиштиришда озиқа қўшимчаларини ишлатилганда 1 м² даги соф фойда 8550; 30900; 34500 сўмни ташкил этиб, шампиньоннинг касаллик ва зараркунандаларига қарши қўлланилган препаратларда харажат қилинган 1 сўмнинг қопланиши 9,7; 12,3 ва 14 мартани ташкил қилди. Шампиньон етиштириш технологиясини бир зонали тизимли, умумий майдони 93,5 м², жами фойдаланиладиган майдони 234 м² бўлган етиштириш камерасида иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, битта етиштириш даврида (74-76 кунда) соф фойда 29,98 млн сўмни ташкил этиб, бунда 1 кг шампиньон мева танасининг таннархи 3500 сўмга тенг бўлди. Бир йилдаги етиштириш даврлари сони эса 4,0-4,3 мартани ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАКИМОВ АЛЬБЕРТ АХМЕДОВИЧ

**АГРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ *AGARICUS
BISPORUS* (LANGE) IMBACH И ЕГО ЗАЩИТА ОТ ВРЕДНЫХ
ОРГАНИЗМОВ**

06.01.06 - Овощеводство

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx185.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Гулмуродов Рискибай Абдиевич**
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты: **Буриев Хасан Чутбаевич**
доктор биологических наук, профессор

Исомиддинов Илхом Тулаевич
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
овощебахчевых культур и картофеля

Защита диссертации состоится «2» апреля 2018 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz Актовый зал, 2-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за № 533966). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Центральное здание 1-этаж Информационно-Ресурсного Центра ТГАУ. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «19» марта 2018 года.
(Реестр протокола рассылки №6 от «1» марта 2018 года)

Б.А.Сулаймонов

Председатель Научного совета по
присуждению учёной степени, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени, к.с/х.н.,
доцент

М.М.Адилов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, д.с/х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Анализ культивирования видов рода *Agaricus* и других съедобных грибов в мире показал, что в последние 40 лет их объём вырос в 10 раз, а количество достигло более 10 млн. тонн¹. По другим данным было показано, что общее количество культивируемых в пищевых и медицинских целях грибов превысило 30 млн. тонн, из которых 25 млн. тонн (80 %) приходится на долю Китая². В период повышения объёма культивирования шампиньона в мире, разработка технологии его выращивания, приспособленной к условиям республики является актуальной проблемой.

В настоящее время в мире искусственным методом размножается более 20 видов съедобных грибов (*Agaricus bisporus*, *Pleurotus ostreatus*, *Lentinula edodes*, *Volvarella volvacea*, *Flammulina velutipes* и другие). Среди них основное место занимает шампиньон – *Agaricus bisporus*, культивируемый в мире около 5 млн. тонн. Высокое содержание белков, витаминов и минеральных веществ, а также многих незаменимых аминокислот в плодовом теле этого гриба повышает его ценность как пищевого продукта, а также потребность в нем.

В последние годы в республике для обеспечения продовольственной безопасности, удовлетворения потребностей в овощной продукции и расширению её ассортимента осуществляются широкомасштабные мероприятия. В Указе Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы» в год поддержки «Активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» отмечено, что одной из важных стратегических задач является «диверсификация производства сельскохозяйственной продукции, обеспечение продовольственной безопасности путём повышения урожайности сельскохозяйственных культур»³. В расширении ассортимента нетрадиционных овощей защищенного грунта шампиньон занимает ведущее место. При культивировании шампиньона развитие болезней и вредителей отрицательно влияет на количество урожая и его качество. При разработке научно обоснованных мероприятий по защите шампиньона большое значение имеет всестороннее изучение вредных организмов. В связи с этим, изучение распространения и биоэкологии потребляемых в республике грибов, в частности рода *Agaricus*, а также на основе выделения перспективных штаммов грибов для нетрадиционного овощеводства защищённого грунта создание технологии культивирования, приспособленной к местным условиям, определение болезней и вредителей, а также разработка мероприятий по борьбе против них является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан № 2505 от 5 марта 2016 года “О мерах по дальнейшему развитию

¹ FAOSTAT, 2017; www.fao.org

² China Mushroom Association, 2009

³ Указ Президента Республики Узбекистан УП-5308 от 22 января 2018 года

сырьевой базы, углублению переработки плодоовощной и мясомолочной продукции, увеличению производства и экспорта продовольственных товаров в 2016-2020 годах”, Указом УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования в области изучения систематики, биологии, экологии представителей рода *Agaricus* и размножения в специальных закрытых помещениях гриба шампиньона, являющегося нетрадиционной овощной культурой, а также изучение его вредных организмов проводились учёными Ботанического института Украины И.Дудка, С.Вассер, Н.Бисько, А.Бухало; исследователями Московского государственного университета Л.Гарибовой, А.Сафрай, Н.Нугаевой, К.Алексеевой; учёными Всероссийского научно-исследовательского института овощеводства Р.Нурметовым, Н.Девочкиной; учёным Китайского университета Гонконга S.Chang; учёным Нью-Йоркского государственного университета P.G.Miles, а также специалистами организации службы развития сельского хозяйства Великобритании J.T.Fletcher, R.H.Gaze и другими.

